

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI TALABA VA O'QUVCHILARNING
MA'NAVIY YUKSALISHIGA KO'MAKLASHISH MARKAZI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGI
YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI TOSHKENT SHAHAR BOSHQARMASI**

**O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
TOSHKENT SHAHAR HUDUDiy KENGASHI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI HUZURIDAGI
O'ZBEKISTONNING ENG YANGI TARIXI MASALALARI BO'YICHA
MUVOFIQLASHTIRUVCHI-METODIK MARKAZ**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INVESTITSİYALAR, SAVDO VA SANOAT
VAZIRLIGI O'ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH AGENTLIGI
RESPUBLIKA YOSH OLIMLAR KENGASHI**

“SIFATLI TA'LIM – TARAQQIYOT POYDEVORI”

**mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy
konferensiya to'plami**

2023-yil 20-aprel

Adabiyotlar:

1. Aston J., Isserow S., Szasz G., Kennedy R. Empirical correlation and method of calculation of barriers hindering internal rotation // Journal of Chemical Physics, 1944, Vol.12, p.336-344.
2. Magnasco V. An empirical method for calculating barriers to internal rotation in simple molecules // Nuovo Cimento, May 1962, Vol.24, Iss.3, p.425-441.
3. Френкель Я.И. Кинетическая теория жидкостей // Москва: Издательство АН СССР, 1945.

**ҚИЗИЛОЛМАСОЙ МАЪДАНЛИ МАЙДОНИ ЧУМАУК-II УЧАСТКАСИ
ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Амиров Элёр Мансуриддин ўғли

*Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти
таянч докторанти (PhD)*

Мардиев Ҳайит Ойбек ўғли

Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Мардиев Иноят Ойбек ўғли

“Ўзбек геология қидирув” АЖ I-тоифали геологи

Бугунги кунда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш давлат минерал-хомашё баъзасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги президент қарори қабул қилинган. Қарор билан геология-қидирув ишларини олиб боришни янада такомиллаштириш, ер қаърини оқилона ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек кон-геология соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси” доирасида геология-қидирув ишлари ҳисоботларини тузишнинг халқаро стандартлари жорий қилинади ва фойдали қазилмалар захиралари JORC Кодексига мувофиқ тасдиқланади.

Тадқиқот ишлари олиб борилаётган майдон маъмурий жиҳатдан Тошкент вилоятининг Охонгарон тумани ҳудудидаги Чотқол тизмаси этакларида жойлашган.

Маъданли майдони субкентликдаги Шовоз-Дукент вулқон-тектоник грабени ва Дукент-Гўшсой минтақавий ер ёриғининг субмеридионал зонаси билан кесишган тугуни билан чегараланган [1].

Қизилолмасой маъданли майдонида Қизилолма олтин кони ва Марказий, Междуречье, Чумаук I участкаларини ўз ичига олади. Бундан

ташқари, охирги йилларда маъданли майдон худудида Чумаук-II, Туячавул, Шимолий-Ғарбий участкаларида саноатбоп олтин маъданлашуви аниқланган бўлиб, хозирда қидирув ва баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқот майдони Чумаук-II участкаси бўлиб, у Қизилолма конининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Ушбу участка ҳозирги кунда Қизилолмасой маъданли майдонидаги муҳим ўрганилаётган объектлардан бир ҳисобланади. Участка шимолий-шарқда Қорабоғ сойи ўзани, ғарбда-олтин маъданли Самарчук участкасининг шарқий чегараси билан, жанубий-шарқий қисми эса Гошсой ер ёриғидан 1,5 км шимолда жойлашган.

Чумаук-II участкаси дастлаб 1964-йилда Қизилолмасой ГҚП геологи Ю.П. Якимов томонидан Қорабоғ худудида қидирув маршрутлари ўтишда аниқланган [2]. Қорабоғ ва Гошсой сув айирғичларида бир нечта канавалар орқали кварцлашган тоғ жинслари очилган. Ушбу жинслар пойдевор яъни гранитоидлар ва вулқон жинслари контактида шаклланган деб хулоса қилиниб, кейинги геологик қидирув ишларини олиб боришга замин яратган. Бу ерда 1966-йилда муфассал қидириш-баҳолаш ишлари олиб борилиб 1:2000 миқёсли схематик геологик харита тузилган. Ушбу харита кейинги геологик қидирув ишларини олиб боришга замин яратган.

1973-1976 йилларда Чумаук ДҚПси ходимлари Бородин Ю.В., Белоплотова О.В., Поморцев В.В. ва бошқалар Қорабоғ ер ёриғи худудида саноатбоп олтин маданлашувини қидиришган. Олиб борилган ишлар натижасида иккита тоғ лаҳимида (116-канава, 115-врез) табкибида олтин 6.0-7.4 г/т, кумуш 112.8-124.6 г/т бўлган 1.5-2.4 м қалинликдаги қўшимча маъдан таналарини аниқлашган. Чуқурликдаги маъданли таналарни ўрганиш 0.8 км узунликдаги профилларда ҳар 60-70 м да бурғи қудуқлари ёрдамида олиб борилган. Қорабоғ ер ёриғини кесиб ўтган 12 та бурғи қудуқларининг 3 тасида (294, 296, 456-сонли) олтиннинг юқори концентрацияси 1.8 дан 6.7 г/т гача, кумуш 22.8 дан 138.2 г/т гача бўлган 1.0 дан 2.35 м гача қалинликдаги маъдан томирлари аниқланган (Белоплотова О.В. ва б., 1973).

1990-2000 йилларда Қурама ГҚП ходимлари Ерохин Н.А., Поморцев В.В., Ғофурова Т.Н. ва бошқалар томонидан Чумаук-II участкасида Қорабоғ ер ёриғининг олтинли маъданлашувини қидириш ишлари давом эттирилган. Мавжуд бурғи қудуқларига қўшимча хажмда чуқурлиги 100.0 м дан 473.0 м гача бўлган буғи қудуқлари ўтилган. Иккита 644, 650-сонли бурғи қудуқларида юқори концентрацияли олтин 2.6 дан 7.1 г/т гача, кумуш 13.2 дан 25.4 г/т гача бўлган, 0.7 дан 1.2 м қалинликдаги маъдан танаси аниқланган (Ерохин Н.А. ва б., 1999). Бошқа бурғи қудуқларидан саноатбоп маъдан кесишувлари олинмаган. Шуни таъкидлаш керакки қўшни Самарчук участкасида олтин миқдори (15-30 г/т) ва захира миқдори (тахминан 20 т олтин) бўйича юқори маъданлашув мутлоқ чуқурлик +1000

дан +700м гача оралиғида аниқланган [3]. Чумаук-II участкасида маъданлашув мутлоқ +1100 дан +600 м гача чуқурликда бўлиши кутилмоқда, участканинг асосий маъдан хосил қилувчи– Қорабоғ ер ёриғи узунлигининг 2/3 қисмида ҳали бурғилаш ишлари олиб борилиб ўрганилмаган. Ушбу аниқланган натижалардан геолгик қидирув ишларини давом эттириш тавсия қилинган.

Қизилолмасой маъданли майдонининг Чумаук-II участкасида кейинги геологик қидирув ишларини олиб бориш учун 2009-йил 24-декабрда лойиҳа ва смета хужжатлари тасдиқланган. Лойиҳалар бўйича қилинган ишлар натижасида Қорабоғ маъданлашув зонасида 1, 1а, 2, 2а 3, 3а-сонли маъдан таналари аниқланди ва баҳоланди (Поморцев В.В. ва б., 2021).



1-расм. Чумаук-II участкасининг 1:5000-масштабли геологик ҳаритаси (М.О.Сулейманов, О.В.Белоплов, Н.Ф.Рафиқов, Ю.П.Якимова, В.И.Вокала 1969й.; Поморцев В.В. ва бошқ. 2021й.). 1-тўртламчи давр ётқизиқлари; 2-охактош; 3-туф андизит-дацит; 4-сиенито-диоритли порфирит; 5-диоритли порфирит; 6-гранит порфир; 7-габро; 8-9-фельзит, фельзит порфир; 10-11-гранит-гранодиорит; 12-кварц томири; 13-карбонат томири; 14-кучли кварцлашган зоналар (кварц 30-50%); 15-маъданлашув зонаси.

Бажарилган ишлар натижасига кўра Чумаук-II участкасидаги 1, 1а, 2, 2а, 3-сонли (1-расм) маъдан таналарида $C_1 + C_2$ тоифаси бўйича захиралар ҳисобланиб давлат балансига қўйилган.

Хозирги кунда 1а, 3, 3а-сонли маъдан таналарининг ўрганилмаган қисмларида ва қуйи горизонтларида чуқурлиги 500 дан 1000 м гача бўлган бурғи кудуқлари ёрдамида ўрганилмоқда.

Хулоса: Қизилолмасой маъданли майдони Чумаук-II участкасида геологик қидирув ишлари 1964-йилда бошланган ва хозирги кунда ҳам

давом эттирилмоқда. Геологик қидирув ишлари натижасида 1, 1а, 2, 2а, 3, 3а-сонли маъдан таналари аниқланган. Маъданлашувнинг бош омили Қорабоғ ер ёриғи саналади. Асосий маъданли минераллар: олтин, кумуш ва пирит.

Аввал аниқланган ва ҳозирда олиб борилаётган геологик қидирув ишларидан олинган натижалар ушбу участканинг истиқболли эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дунин-Барьковская Э.Д., Умаров А.З., Колоскова С.М. Локальные минералого-геологические критерии поисков и оценки золотоносности отдельных площадей, месторождений и рудных тел (на примере Чаткало-Кураминских гор Тянь-Шаня) // Геология и минеральные ресурсы. – 2018. - №3. – С. 34-46.

2. Бадалов Р.П. и др. Продуктивные минеральные ассоциации Кызылалмасайского рудного поля / Р.П. Бадалова, М.О. Сулейманов, Н.Ф. Рафиков / Зап. Узб. отд. ВМО, 1976г. – вып. 29– С.13 – 15.

3. Исламов Б.Ф., Исламов Ф.И. О перспективах глубоких горизонтов золотосеребряного месторождения Кызылалмасай (Узбекистан) // Геология и минеральные ресурсы. 2008. № 1. – С.19-25.

BUGUNGI KUN YOSHLARINI ISTE'MOLCHI SIFATIDA EMAS BALKI, ISHLAB CHIQARUVCHI, RAQOBATBARDOSH BILIMLI QILIB TARBIYALASH ZARURATI

Arziqulov Elboy Azim o'g'li

*Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi huzuridagi
Ijtimoiy-ma'naviy tadqiqotlar instituti mustaqil tadqiqotchisi*

Kirish. Bugungi kunda qobiliyatli yoshlarni aniqlash, ta'lim jarayonida ilg'or texnologiyalarni qo'llagan holda ularni o'qitish va tarbiyalash bo'yicha yaxlit tizim yaratish shuningdek, iste'dodli yoshlarni yanada qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish hamda ularni ma'nan yetuk va intellektual jihatdan barkamol qilib tarbiyalash dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Hozirgi yoshlar orasida juda ham ko'p qobilyatli va bilimli yoshlar safi kundan kunga ortib bormoqda. Lekin "sholi kurmaksiz bo'lmaydi" deganlaridek yoshlar orasida ham ertangi kuniga befarq, loqaydlari ming afsuski uchrab turibdi. Bugungi kunda ta'limga oid bir qator davlat dasturlarida



Allaquliyeva Sh., Otajonov Sh., Eshchanov B. Atsetonitril molekulasining tebranma harakat qonuniyatlarini spektroskopik metodlar bilan tadqiq qilish.....	86
Амиров Э., Мардиев Х., Мардиев И. Қизилолмасой маъданли майдони чумаук-ii участкаси ўрганилиш тарихи ва келажак истиқболлари.....	90
Arziqulov E. Bugungi kun yoshlarini iste'molchi sifatida emas balki, ishlab chiqaruvchi, raqobatbardosh bilimli qilib tarbiyalash.....	93
Asqarova N. The oretical foundations of innovative development of small business and private entrepreneurship.....	99
Атамуратова Д. Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар: ёшлар ижтимоий иштироки мисолида.....	101
Akhmadaliyeva M. Using of social networks in teaching english interactively...105	
Axmadaliyeva N. Sharq miniatyura san'atida inson obrazining ifodalanishi.....	107
Ахмедова Д. Качественное и современное образование – залог будущего.....	111
Axmedova D. Insonga e'tibor va sifatli ta'lim - Yangi O'zbekistonda ustuvor yo'nalish.....	113
Abdullayev A. Stoxastik o'zgaruvchanlik bilan bozor bahosi bo'yicha moliyaviy modelning matematik tahlili.....	115
Абдумўминов И. Ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия - таълим тараққиётида муҳим мезон.....	121
Авазбекова Ф. Сифатли таълим – кадрлар тайёрлаш тизимининг пойдевори.....	125
Asadov M. Davlat boshqaruvni nomarkazlashtirishga o'tkazish.....	130
Asatillayeva L., Muminova U. Bolalarni rivojlanish jarayonlariva ularga ta'sir etuvchi omillar.....	132
Атамирзаев И. Янги ўзбекистонда сифатли ҳуқуқий таълимнинг шахс ҳуқуқий ижтимоийлаувидаги ўрни.....	136
Ашуров А. Гуманитар фанлар доирасида жамоатчилик экологик назорати субъектлари фаолиятининг ижтимоий-ҳуқуқий асослари	139
Ashurova Sh. Sharq mutafakkirlari asarlarida oilada sog'lom farzandni kamol toptirish masalasining talqin etilishi.....	143
Axrorova G., Ibodullayeva Sh. Talabalarga sifatli ta'lim berishda kasbiy faoliyatga yo'naltirilgan amaliyot davrining ahamiyati.....	146
Bafoiyeva M. Maktabgacha ta'limda shakl haqidagi tasavvurlarni idrok qilish va shakllantirish usullari.....	149
Баҳодиров Ш. Мафкуравий профилактика – ахборот коммуникациялари орқали мустақилликнинг ғоявий асосларига қарши қилинаётган маънавий таҳдидларнинг олдини олиш омилдир.....	156
Бахриддинова Д. Сифатли таълим - тараққиёт пойдевори.....	163
Бахриддинова М. Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш.....	166